МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 28 август. Чоршанба №72 (934) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТЎҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрида, мана шу муҳташам Регистон майдонида тўпланиб турган сиз, азиз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларини қутлашга, барча-барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бугунги мусиқа ва санъат форумида қатнашаётган юксак мартабали меҳмонларимизга — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хонимга, Халқаро маданият ва санъат уюшмаси бош котиби Куо Ли Мин хонимга, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби жаноб Мун Хюнг Сукка, Осиё халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси жаноб Чен Шенглайга, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси жаноб Хюнг Ван Ли ва бошқа қадрли дўстларимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва ташаккуримни изҳор этаман.

Фестивалимизда халқаро миқёсда кенг танилган машҳур мусиқа арбоблари — Марокашдаги «Тимитар» халқаро мусиқа фестивали раҳбари жаноб Брахим Эл Мазнед, Япон мусиқа ассоциацияси президенти жаноб Кавасе Тадасуке, шунингдек, Афғонистон ахборот ва маданият вазири жаноб доктор Саид Маҳдум Рахин, Куала-Лумпур шаҳри мэри жаноб Датук Аҳмад Фейсал Толиб қатнашаётгани бизнинг анжуманимизга алоҳида эътироф ва нуфуз бағишлайди.

Халқаро фестивалимизда яна бир ҳурматли меҳмонимиз — Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг аъзоси, таниқли сиёсатчи жаноб Жеймс Патрик Моранниng иштирок этаётгани барчамизга катта мамнуният етказади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун мусиқа байрамимизда ҳозир бўлган хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакилларини қутлашни истардим.

Бугун биз жаҳоннинг 52 та давлатидан келган сиз, азиз меҳмонларимизни шарқона эҳтиром билан «Хуш келибсиз азим Самарқанд заминига, хуш келибсиз меҳмондўст Ўзбекистонимизга!» деб кутиб оламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивални ўтказар эканмиз, мазкур анжуманни дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган қароримиз нақадар тўғри бўлганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Асрлар давомида умумбашарий маданият ва цивилизация марказларидан бири бўлиб келаётган, афсонавий Шарқ тимсоли, ўзининг етти иқлимга машҳур меъморий обидалари, буюк салоҳияти, гўзал ва сўлим табиати билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этадиган бу тарихий шаҳар энг юксак халқаро анжуманларни ўзида қабул қилишга ҳар томонлама муносибдир.

Бундай улуғвор ва табаррук шаҳарнинг юраги бўлмиш, Регистон деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу муҳташам саҳна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор гўзаллик ва нафосат бахш этади, минг-минглаб санъат мухлислари хотирасида ўчмас из қолдиради.

Айнан Самарқанд заминида пойдевор қўйилган «Шарқ тароналари» фестивалининг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар аввалямбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини **ҳеч қандай таржимонсиз** бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Биз барчамиз сизларнинг тимсолингизда ана шундай буюк ва бебаҳо маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида беғараз хизмат қилаётган, Шарқнинг мумтоз санъатини янги-янги ёш авлодларга безавол етказиб келаётган фидойи инсонларни, моҳир санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Шу маънода, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдизларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқиёс кучи ва таъсирини намоён этишда «Шарқ тароналари» каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қиёслаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Айни мана шундай олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакилларини азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиламиз, сизга берилган истеъдод ва талант олдида таъзим қиламиз.

Азиз фестиваль иштирокчилари!

Тобора улкан обрў ва эътибор топиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжуманини юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш ва керакли имкониятларни туғдириш албатта ташкилотчилардан, аввало Самарқанд аҳлидан катта масъулият талаб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шундай тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатган, ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб фазилатлари билан дунёда ном қозонган Самарқанд аҳлига барчангизнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан самимий миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, шу азим шаҳарда туғилиб ўсган, вояга етган инсон сифатида мен учун доимо азиз ва қадрдон бўлган Самарқанд халқига, кексаю ёш барча ҳурматли ҳамюртларимга фарзандлик меҳрим ва садоқатимни яна бир бор изҳор этиш менга чексиз хурсандчилик ва баланд руҳ бағишлайди.

Азиз юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги гўзал байрам билан — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



# САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

**Самарқанд шаҳрида 27 август куни «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди**

Мусиқа — инсониятнинг буюк кашфиёти, қўшиқ ўзига хос маънавий мулоқот воситасидир. Сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар, тасаввур ва кечинмалар куй-қўшиқларда ўз ифодасини топади. Диллардан дилларга, эллардан элларга кўчади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусиқа ва қўшиқ орқали одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур анжуман дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Юртимизда мусиқа санъати қадимдан ривожланган. Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най топилгани, кўҳна Афросиёб деворий суратларидаги машшоқ ва муғаннийлар тасвири, улуғ алломаларимизнинг мусиқага оид фалсафий-эстетик қарашлари халқимизнинг қадимда ҳам мусиқий салоҳияти нақадар юксак бўлганидан далолатдир.

> [2]

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эркин ва фаровон жамият қуриш, Ватанимиз салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда.**

Бугун маҳалла тизимида фаолият юритаётган 40 мингга яқин ходимлар томонидан аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни тараққий эттиришга кўмаклашиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш каби қатор вазифалар изчиллик билан бажарилаётгани куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида алоҳида эътироф этилди.

> [2]



# ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

*«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг йиллик режасида маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларга кенг ўрин берилган.*

*Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Яккасарой тумани бўлинмаси томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» номли маърузаси мазмун-моҳияти юзасидан туман маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида 50 га яқин тадбир ўтказилди. Ушбу анжуманларга 4500 нафардан зиёд аҳоли жалб этилди.*

*Уюштирилаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида йиғилишларга олимлар, профессор-ўқитувчилар, эл ардоғидаги санъаткорларнинг иштироки таъминланди.*

*Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, нуроний отахону онахонлар ва ибратли оила вакиллари иштирокида ташкиллаштирилаётган «Маънавиятимизга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид», «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш», «Одам савдоси — олам ғавғоси», «Оммавий маданият ва унинг ёшларга таъсири» мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларининг ҳудуд аҳолисининг ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини юксалтиришдаги аҳамияти беқиёс.*

*Туман хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Санъат ва спорт — гиёҳвандлик ва диний экстремизмга қарши» акцияси доирасида туман ҳокимининг соврини учун спорт мусобақаси ўтказилди.*

*Ёш авлодни катталарга ҳурмат, инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, намунали оилаларнинг тажрибасини тарғиб қилиш мақсадида «Меҳрдан яшнар кўнгил» шиори остида тадбирлар ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.*

*Ўқувчи қизлар ўртасида «Ораста қизлар» тўгараги барча таълим муассасаларида, маҳаллаларда ва оилавий поликлиникаларда тузилиб, улар ўртасида турли танловлар ташкил этиш режалаштирилган.*

*Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг эзгу анъаналарини тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларини тарғиб этишга туманимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари салмоқли ҳисса қўшмоқда.*

Аҳрор ҒУЛОМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Яккасарой тумани бўлинмаси раиси.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

# ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, шу йилнинг 24-25 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди**

**Халқимизга хос одатлар орасида озодалик, орасталик ва ободликка интилиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар ҳам борки, азалдан муҳим саналар олдидан уларни ҳамжиҳатликда амалга ошириш анъана тусига кирган.**

Бундай саъй-ҳаракат эса эл орасида ҳашар номини олган. Мустақиллик шарофати билан яна эъзоз топган ушбу қадрият тобора сайқалланиб, кенг қулоч ёймоқда. Айниқса, икки муҳим сана — Наврўз айёми ҳамда энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳисобланган Истиқлол шодиёналари арафасида ўтказиб келинаётган умумхалқ ҳашарлари халқимизни, ёшу қарини янада жипслаштиришга хизмат қилмоқда.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» эзгу ғояси остида кенг нишонланаётган мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик тўйи арафасида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари жараёнларини кузатиб, ана шундай хулосага келдик. Зеро, 24-25 август кунлари юртимизнинг ҳар бир ҳудудида халқимизга хос юксак уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик намунаси яққол акс этди.




Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

[3]

# САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

**Самарқанд шаҳрида 27 август куни «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди**



ЎзА сурати.

< [1]

Абу Наср Форобий «Мусиқа ҳақида катта китоб» кўп жилдли асарида товушларнинг вужудга келиши, куйлар уйғунлиги, ритм ўлчовлари ва турларини чуқур ўрганган. Рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби чолғу асбобларида куй чалиш қоидаларини турли жадваллар, геометрик чизмалар орқали шарҳлаб берган.

Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида юрак, асаб касалликларини мусиқа воситасида даволаш яхши самара беришини таъкидлаган. Бугунги кунда бутун дунёда кенг қўлланилаётган «мусиқа терапияси» услуби ана шу қоидага асосланади.

Комил Хоразмий Хоразм нотасини ихтиро қилиб, «Рост» мақомининг дебочасини ушбу нотага туширган. Унинг «Танбур чизиқлари» асарида миллий мусиқамиз тарихи ва назариясига оид қимматли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг барча соҳаси қатори мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳам юксак даражада ривожланган. Самарқандда ўз даврининг энг машҳур созанда ва хонандалари, шоирлар жам бўлган, мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилган. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида шундай анжуманлар ҳақида «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деб ёзади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан орадан қарийб олти аср ўтиб, бу анжуман «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тимсолида қайта тикланди. Бугун ҳам Самарқандда Мағрибу Машриқдан келган хонандаю созандалар жам бўлиб, ўз миллий қўшиқларини ижро этмоқда.

Самарқанд, Регистон майдони. 27 август, соат 19.00.

...Қадим миноралар, нилий гумбазлар ранго-ранг чироқлар ёғдусида жилоланади. Улуғвор обидалар қалбларга байрамона руҳ, анжуманга шукуҳ бағишлайди. Майдондаги улкан амфитеатр анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан тўлган. Улар орасида фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, мусиқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, чет эллик журналистлар, сайёҳлар бор.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Карнай-сурнай, ноғора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, мазкур фестивалнинг мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини, Президент Ислом Каримов томонидан асос солинган «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини таъкидлади.

Мусиқа садолари остида муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари — 52 мамлакат санъаткорлари кириб келади.

Истиқлол йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бойсун фольклори, Шашмақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр ва маданият саройлари, санъат йўналишидаги коллеж ва лицейлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти, мусиқа таълими изчил ривожлантирилмоқда.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ниҳол», «Келажак овози», «Янги авлод», «Марду майдон» каби кўрик-танловлар мамлакатимиз ёшларининг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилаётир. «Асрлар садоси» халқаро фестивали халқимиз маънавий мероси ва замонавий санъат уйғунлигини жаҳон узра намойиш этмоқда.

Мусиқа, оҳанг, тарона тили, дини ва урф-одати турлича бўлган барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган қудратли воситадир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

«Шарқ тароналари»нинг мазмун-моҳиятида ана шундай умуминсоний қадриятлар мужассамлиги боис ҳам бу фестиваль дунё жамоатчилиги эътиборини тобора кенг қозонмоқда. Фестиваль жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб мамлакатлар, халқаро маданият ташкилотлари, машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга Осиё, Африка, Европа ва Америкадаги 52 давлатдан санъат намояндалари ташриф буюрди. Фестиваль Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани ҳам анжуманнинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

Ушбу фестиваль янги номларни кашф этиш, санъат ва санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, айни чоғда миллий мусиқа санъатимизни, мамлакатимиз тараққиёти ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишда муҳим омил бўлмоқда.

Фестиваль санъаткорларнинг ижодий изланиши, ўзаро фикр ва тажриба алмашишида ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Анжуман доирасида ўтказиладиган турли маданий тадбирлар, «Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида» мавзусидаги илмий конференция бунинг учун кенг имконият яратади.

Фестиваль қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий саҳнадан ташқари, шаҳардаги «Мўъжиза» ва «Ниҳол» амфитеатрлари, «Ёшлик» истироҳат боғи, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой, Оқдарё туманларида концерт дастурларини намойиш этиши, санъат ихлосмандлари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Анжуман иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва меҳмондўст халқимиз билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Фестиваль сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга узатилди.

Ирода УМАРОВА,
Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда республикамиздаги турли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ўз Уставида белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, жисмоний имконияти чекланган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Бугунги матбуот анжуманини ташкил этишдан асосий мақсад Фонд томонидан мазкур вазифаларнинг ижроси изчил таъминланаётганидан оммани хабардор этишдир. Қолаверса, анжуманда фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришда қайси жиҳатлар эътибордан четда қолаётганини аниқлаб, уларни бартараф этиш кўзда тутилган.

Йиғилиш иштирокчилари маҳалла тизимида меҳнат қилаётган фаолларнинг самарали меҳнати давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидладилар. Президентимизнинг жорий йил 24 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин далилидир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонд томонидан 240 та фуқаролар йиғини биноси жорий, 49 таси капитал таъмирланди ва 22 таси реконструкция қилинди. 712 та маҳалла компьютер жамланмаси билан таъминланди, 749 тасининг мебель жиҳозлари янгиланди. Шу билан бирга, 40 тага яқин замонавий маҳалла гузари қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилиш арафасида.

Бугун мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётган бўлса, ўтган йиллар давомида 6,5 мингдан зиёд маҳалла ўз хизмат биносига эга бўлди. Бу юқори кўрсаткич, албатта.

Шу билан бирга, намунали маҳаллани шакллантириш бўйича мезон ва тавсиялар тартиби ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 700 га яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намунали ҳолатга келтирилди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга асосан, барча фуқаролар йиғинлари ҳузурида 8 та асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссия иши тизимли равишда йўлга қўйилмоқда. Чунончи, «Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида»ги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари ва асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида»ги Низомларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаларини тайёрлаш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш борасида тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, янги таҳрирдаги мазкур қонун асосида маҳаллаларда «Маслаҳат марказлари»нинг ташкил этилиши, ҳудудда тадбиркорлик, оилавий бизнес каби йўналишларнинг ривожланишини таъминлаб, маҳалланинг жамият иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини янада оширмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида маҳаллаларда жами 134 та болалар майдончаси барпо этилди, 485 таси қайта таъмирланди. Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда 227 та янги мини футбол, баскетбол, волейбол ва бошқа спорт турларига ихтисослашган спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Матбуот анжуманида фуқаролар йиғинларини ўқув-услубий адабиётлар, қўлланмалар ва рисолалар билан таъминлаш ишлари ҳам тизимли олиб борилаётгани айтиб ўтилди.

Дарвоқе, маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳиятига кўра Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга, фуқаролар йиғинлари ишини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Тадбирда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, ўз хизмат биноларига эга бўлмаган фуқаролар йиғинларига замонавий гузарлар ажратиш, барча маҳаллаларга компьютер жамланмалари ҳамда мебель жиҳозлари етказиб бериш, йиғинларни ўқув-қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш ҳамда фаолларнинг билим савиясини мунтазам ошириб бориш лозим.

Тадбир сўнгида журналистлар саволларига тизим мутасаддилари томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Матбуот анжуманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# «Али бобо орзуси» ижобатда

*Косон туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Али бобо орзуси» корхонасининг фаолияти йил сайин кенгайиб бормоқда.*

Нон ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва таъми билан харидорларга манзур бўлаётир.

Даромадлар ошиб боргач, макарон цехи ишга туширилди. Шу муносабат билан маҳалладаги ёшлардан 10 нафари иш билан таъминланди. Корхона раҳбари Саноқул Ҳамидов аҳолининг талаб ва таклифлари асосида хориждан ускуналар харид қилиб музқаймоқ цехи ташкил этди.

Айни вақтда корхонада ишлаб чиқарилаётган музқаймоқлар жуда харидоргир. Савдо ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг ўтган олти ойида 170 миллион сўмлик нон, 22 миллион сўмлик макарон маҳсулотлари ва 30,6 миллион сўмлик музқаймоқ ишлаб чиқарди.

Яқинда корхона томонидан «Ипотекабанк»дан 150 миллион сўм кредит олиб, қуритилган сут ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна харид қилинди. Шу кунларда ушбу ускунани ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ҚУТЛАЙМИЗ

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Юртимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан бир гуруҳ давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимлари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фидокорона меҳнат қилаётган фаоллар ҳам бор.**

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги «Учсай» овул фуқаролар йиғини раиси Ержанова Бибигул Сапарниязовна «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Андижон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акбарова Бахринсо Мухтаровна, Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Паймард» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анкабаев Абдураим, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Сариқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Махмудов Муминжон Абдиқодирович, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «З.Жалилов» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирзахалилов Мурат Мирзарасулович, Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Кумушкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пирманова Башорат Шариповна, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Қораполвон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рафиков Зокиржон, Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидов Бахтинур Хамдамович, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Хайрободча қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саноев Ёдгор, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Усмон Носир номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хабибуллаева Донахон, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Хайрабод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хазраткулова Мавлуда Чутбаевна, Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарипова Матлуба Хусановна, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Ахмедов Алишер Джуманазарович, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Добилов Элмурот Менгтураевич, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Кодиров Набижон Абдужалилович «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Мукофот муборак, азизлар!

ҲОКИМ ҲИСОБОТИ

# МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОПАДИ

**Йилнинг ҳар чорагида маҳаллаларда туман, шаҳар ва вилоят ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилиши анъанага айланган.**

Бу инсонлар турмуш тарзининг янада яхшиланишига, ҳудудларнинг тобора обод қиёфа касб этишига замин ҳозирламоқда. Олтинкўл туманидаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салимахон Ҳамроеванинг айтишича, фуқаролар йиғинларида туман ҳокими ва бошқа масъул идора раҳбарларининг ҳисоботи уюштирилаётганидан аҳоли мамнун.

— Инсонларнинг барчаси ҳам ўзини ўйлантираётган масалалар юзасидан тўғридан-тўғри ҳокимият органларига мурожаат қила олмас эди, — дейди С.Ҳамроева. — Ҳозир йиғинимизда ечимини кутаётган муаммолардан деярли барчасининг ҳал этилгани ҳисобот жараёни кучли фуқаролик жамияти сари дадил қадамлардан эканлигини исботламоқда.

Туман ҳокими Акмалжон Жалоловнинг жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур фуқаролар йиғинида ўтказган ҳисоботлари ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Бир сафар ҳоким ўз сўзида маҳалланинг фойдаланилмаётган ерларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш таклифини киритди. Йиғин аҳли бу фикрни қўллаб-қувватлаб, бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшиш учун киришди. Қурилиш ишлари якунланиб, яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган бу мажмуада 20 га яқин фуқаронинг иш билан таъминланиши эътиборга лойиқ.

Шунингдек, А.Жалоловнинг «Қўрғонча» маҳалласида ўтказган ҳисоботларининг бирида фуқаро Юсуфжон Абубакиров йиғин идорасининг таъмирталаблиги, ишлаш учун етарли шароит яратилмагани ҳақида гапирди. Унинг гапини диққат билан тинглаган ҳоким бу масала тез орада ҳал этилишини айтди. Чиндан ҳам кўп ўтмай, мурожаат ижобий ҳал этилиб, маҳалла фуқаролар йиғини учун янги жой ажратилди, таъмирланди. Қолаверса, бу идорага «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан компьютер ва мебель жамланмалари совға қилинди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги мазкур юзма-юз учрашувлар муаммолар ечимида муҳим омил бўлаётир. Шунингдек, ҳисоботларда ҳоким билан биргаликда бошқа масъул идора раҳбарларининг ҳам қатнашаётгани сансалорлик иллатларига ҳам барҳам берилишида қўл келмоқда. Мулоқотлар натижасида ички йўлларни асфальтлаштириш, газ қувурларини таъмирлаш, янгилаш, ичимлик суви таъминоти каби кўплаб масалалар ўз ечимини топган.

Олтинкўлликларнинг айтишича, туман ҳокими, айниқса, ижтимоий ҳимоя масаласига кўпроқ аҳамият қаратар экан, бевосита унинг ташаббуси билан жорий йилда 40 га яқин кам таъминланган оилага тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун моддий ёрдам ва зарурий ускуналар ажратилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларда истиқомат қилаётган коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида июль ойининг ўзида 5 нафар йигит-қизга «Микрокредитбанк» ва «Агробанк»нинг туман шохобчаларидан имтиёзли кредит расмийлаштирилди.

Ҳар соҳада туман раҳбариятининг кўмаги ва эътиборини дилдан ҳис этиб турган олтинкўлликлар янги ва эзгу мақсадлар билан яшашга интилмоқдалар. Маҳалла тизимида амалга оширилаётган бундай хайрли ишларнинг халқ манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани барчани бирдек қувонтириши, шубҳасиз.

А. АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ТАМАЛ ТОШИ



**Юртбошимиз Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этгани ва бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти — тамал тоши экани таъкидланади.**

Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат ва ҳокимият бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ўзига хос муҳим қадам бўлди.

Фармойишга мувофиқ, Бухоро вилояти ҳам мазкур эксперимент субъектларидан бири этиб белгиланганини нафақат ҳудуддаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат муассасалари, шу жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Негаки, ҳуқуқий экспериментнинг бевосита субъекти ҳисобланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур йўналишдаги фаолият сифатини баҳолаш, уларга ахборот сўровларини юбориш ҳамда мазкур жараён юзасидан жамоатчилик назоратини юритишда нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланган маҳалланинг ҳам ахборот фойдаланувчиси сифатидаги фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жондор тумани бўлинмаси ҳамда ҳududдаги фуқаролар йиғинлари ҳам ҳуқуқий эксперимент яратиб берган имкониятдан фойдаланиб, ўз фаолликларини намоён этишга ҳаракат қилмоқда. Биргина мисол. Фойдаланувчиларнинг сўровига асосан ахборотнинг оғзаки ҳамда ёзма шаклда тақдим этилгани натижасида фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаати аввалги ойларга нисбатан анча ошди. Жумладан, май-июль ойларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бевосита Фонд вилоят бўлими ва бўлинмаларидан 5 та, маҳаллалардан эса 37 та ахборот сўрови юборилиб, тегишли тартибда жавоблар олинди.

Коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жой қуриш ҳамда тадбиркорлик мақсадида ер ажратиш ва бошқа масалалар, тегишли давлат органлари томонидан таклиф этиладиган хизматларни кўрсатиш тартиби бўйича йўлланаётган бу каби сўровлар юзасидан аҳоли ўзи истаган маълумотларни белгиланган вақтда олишга муваффақ бўлмоқда.

Аҳамиятлиси, эксперимент жараёнидан илгари бу органларга нисбатан мурожаатимизга бир неча кун кечикиб жавоб қайтарилган эди. Эндиликда юборилган сўровга ўз вақтида, яъни ўн беш кун муддатда жавоб қайтарилмоқда.

Аҳолига соҳага оид ахборотлар, бўлинма фаолиятига доир маълумотларни тезкор равишда тақдим этиш учун тизимда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фармойиш ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг 3 апрелида тегишли буйруқ қабул қилинди, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Мазкур режага асосан 2013 йил давомида Фонд туман бўлинмаси фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни бевосита хабардор қилишнинг самарадор шакллари ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ташкил этиш мақсадида матбуот анжумани ўтказилди.

Шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент доирасида ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ қабул қилиниб, унга асосан бўлинма иш юритувида ҳуқуқий эксперимент доирасида муваққат низом ва 5 та йўриқнома тасдиқланди. Шу билан бирга вилоят бўлимининг www.buxoromahalla.uz расмий веб-сайтида туман бўлинмаси веб-саҳифаси ташкил этилди.

**Ҳамза ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти Жондор тумани бўлинмаси раиси.**

БОҒИ БОР БОЛ ТАТИЙДИ

# ҚУЛАЙ, САМАРАЛИ ВА ФОЙДАЛИ

**Бугун мамлакатимиз маҳаллаларининг кўркамлашаётган қиёфасига янги усулдаги боғлар ҳам зеб бераётир. Халқимиз азалдан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб, бой тажриба тўплаган.**

Бироқ мутлақо янгича технологияга асосланган интенсив боғларнинг ҳар жиҳатдан афзаллиги боғбонларни ҳам ўзига жалб этди. Натижада янги боғлар майдонлари тобора кенгайиб бораётир.

Президентимизнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 13 мартда имзоланган 2013-2015-йилларда узумчиликни янада ривожлантиришга оид қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Самарқанд туманида ҳам интенсив боғлар барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бир-икки йил муқаддам яратилган боғлар эса, аллақачон ҳосилга кириб, аҳоли дастурхонини безамоқда. Тумандаги «Оҳалик олтин боғи меваси» боғдорчиликка ихтисослашган хўжалик аъзолари бу йил кутилганидан ҳам зиёда хирмон кўтаришди.

— «Паст Оҳалик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган интенсив боғда 100 киши меҳнат билан банд, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси раиси Шерали Ҳамроқулов. — Қисқа фурсатларда ҳосилга кирадиган янгича боғнинг афзалликларини тарғиб этиш мақсадида мазкур боғда тажриба алмашиш тадбирларини ташкил этиб боряпмиз. «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан ўрин олган талабларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бундай амалий семинарлар туманимиз маҳаллалари аҳли ўртасида катта қизиқишларга сабаб бўлиб, янги боғларнинг барпо этилишига ҳисса қўшаётир.

«Оҳалик олтин боғи меваси» боғдорчиликка ихтисослашган хўжалиги бундан уч йил илгари ташкил этилган. Жами 540,4 гектар майдонни эгаллаган боғда олма, гилос, шафтоли, олхўри ниҳоллари жадаллаштирилган усулда парваришланиб, қисқа фурсатда сархил мевалар туҳфа этди. Ҳудуд бозорларидан ташқари, хорижга ҳам маҳсулотларини экспорт қилишни мўлжаллаётган Дилшод Салимовнинг мақсадлари улкан. У янгича боғнинг афзалликларини тўлқинланиб эътироф этди.

— Одатда боғларда бир гектар майдонда ўртача 100 туп кўчат ўтқазилса, интенсив боғда бу кўрсаткич ўн баробар кўп, ҳатто ундан ҳам зиёдни ташкил этади, — дейди хўжалик раҳбари Д.Салимов. — Янгича боғларда энг ривожланган дарахт бўйи 2-2,5 метрдан ошмаслиги барча турдаги агротехник тадбирларни ўтказишда, шунингдек, етиштирилган мўл ҳосилни бешикаст йиғиштириб олишда ҳам қулайлик туғдиради. Меваларни кўп истеъмол қилиш инсон организмининг ҳаётий эҳтиёжларидан. Ушбу усулдаги боғлар аҳолига сифатли ва фойдали маҳсулотларни етказиб бериши, тезкорлиги билан аҳамиятли. Бир сўз билан айтганда, интенсив боғларни янги усулдаги келажак боғлари, дейиш мумкин.

«Обод турмуш йили» Давлат дастуридан ўрин олган долзарб вазифаларнинг изчиллик билан адо этилаётгани боис, жорий йилнинг шу давригача мамлакатимиздаги 6,7 минг гектар майдонда боғлар, 6,8 минг гектарда токзорлар яратилди. Қарийб 11 минг гектар майдондаги боғ ва токзорлар тикланмоқда. Бу элимиз дастурхонининг тўкинлиги, бозорларнинг сархил меваларга тўлиши, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига хизмат қилади.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

# ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, шу йилнинг 24-25 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди**

< [1]

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларига уйғунлашиб кетган бу галги умумхалқ хайрия ҳашарида ҳам фуқаролар йиғинлари фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари, ёшлар кўмагида кенг кўламли ободонлаштириш, яратувчилик ишлари амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган 17 миллион нафардан зиёд ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 33 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 23 минг километр узунликдаги сув йўллари — ариқ-зовурлар ҳамда лотоклар тозаланди. Бундан ташқари, 800 дан ортиқ зиёратгоҳ ва 8,5 мингга яқин қабристонлар ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. 14 мингта махсус техника воситаларини жалб этиш орқали қарийб 51 минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқариб ташланди, 18 миллион тупга яқин дарахтга шакл берилиб, оқланди.

Шунингдек, ҳашар йўли билан кўплаб янги маҳалла идоралари, гузарлар, болалар майдончалари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарининг яна бир муҳим жиҳати бу — қон-қонимизга сингиб кетган инсонпарварлик, олижаноблик, саховатпешалик фазилатларининг янада улуғланганидир. Анъанага кўра, бу галги хайрия ҳашарида эҳтиёжманд фуқаролар, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга, боқувчисини йўқотганларга, ногиронларга кўрсатилган меҳр-мурувват ёрдамлари кўлами ҳар қачонгидан ҳам кенг бўлди. Хусусан, кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз кексалар, ногиронларнинг 367 минг квадрат метр ҳажмдаги турар-жойлари таъмирлаб берилиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга бир миллиард сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдамлар кўрсатилгани фикримиз исботидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳашардан тушган маблағлар йил давомида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, эҳтиёжманд юртдошларимизни, кам таъминланган оилаларни, ёлғиз қарияларни, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги маҳалла гузарларини барпо этиш, болалар майдончаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, улар атрофини ободонлаштириш, умуман, маҳаллани янада обод қилиш каби ишларга йўналтирилади. Демак, халқимизга хос яратувчилик, хайр-саховат, меҳр-мурувват ишлари изчил давом этади.

Дарҳақиқат, бетакрор жиҳатлари билан бошқа қадриятлардан ажралиб турадиган хайрия ҳашари халқимиз бирдамлиги, саховатпешалигини яна бир бор намойиш этди. Буни ҳудудлардан олинган хабарлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Пок ниятли **наманганлик**лар ҳашар тонгини карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар. Шаҳару қишлоқларда маҳалла фаоллари икки кунлик юмушларни аниқ режа асосида, юксак ташкилотчилик билан бошладилар. Айниқса, гуллар шаҳрининг асосий кўчаларидаги, корхона ва ташкилотлар, муассасалар олдидаги гулзорлар, хиёбонларда иш қизғин тус олди. Ариқлар тозаланиб, манзарали дарахт ва гул кўчатларига шакл берилди. Йўл четлари бегона ўтлар ва чиқиндилардан тозаланди. Кўчабошилар ҳамда фаоллар етакчилигида деворлар, уйларнинг олд қисмлари бўялиб, янгича қиёфага келтирилди.

— Вилоят бўйича 850 минг нафардан зиёд аҳоли ана шу каби юмушларда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари Шуҳрат Кенжаев. — Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларидан ташқари, кўплаб маҳаллаларда гузарлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт иншоотлари қурилиши, янги боғлар барпо этилиши айнан ҳашар кунлари ниҳояланиб, Истиқлол тўйига муносиб тўёна қилинди. Шунинг баробарида, Фонд бўлим ҳамда бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳомийлар томонидан 742 нафар кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 18200 квадрат метр ҳажмдаги турар-жойлари таъмирлаб берилди. Кўмакка муҳтожларга 53 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдамлар кўрсатилди. Энг асосийси, бу каби ободонлаштириш ва меҳр-мурувват тадбирлари изчил давом эттирилади.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Хоразм** вилояти шаҳар ва қишлоқларида, айниқса, чекка маҳаллаларда хайрия ҳашари байрам сайллари, миллий урф-одатлар акс этган турли томошалар, хайр-саховат тадбирларига уланиб кетди. Бозорларда, шунингдек, кўпқаватли уйлар атрофидаги маҳаллаларда асосий турдаги озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотларининг савдо ярмаркалари ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Вилоятда амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари билан биргаликда, кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олинди. Шу кунлари Гурлан туманидаги «Сахтиён» маҳалласида яшовчи У.Саидов, О.Сапарбоевларнинг уй-жойлари 1,5 млн. сўмлик маблағ сарфланиб, таъмирланган бўлса, Янгибозор туманидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи К.Қўчқоров, Ш.Хўжамуратовалар оиласи ҳам ана шундай мурувватдан баҳраманд бўлдилар. Хонқа туманида ҳомийлар ҳисобидан қурилиб, фойдаланишга топширилган «Ойдин ҳаёт» маҳалла гузарига эса «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 13,5 млн сўмлик мебель жиҳозлари жамланмаси совға қилинди.

**Бухоро** шаҳридаги «Шайхул олам» маҳалласи ёшлари «Футболимиз келажаги» турнирининг вилоят босқичи доимий иштирокчиси. Турли ёшдаги жамоалар бир неча бор республика босқичларида ҳам совриндорлар сафидан ўрин олган. Албатта, маҳалла ёшларининг бу каби муваффақияти ҳудудда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, ота-оналарнинг фарзандларини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишларига шароит яратиб бераётганликлари билан боғлиқ. Мазкур ҳолат умумхалқ хайрия ҳашарида ҳам бор бўйи билан намоён бўлди. Маҳалла фаоллари ва ота-оналарнинг ташаббуси билан ҳудуддаги эски спорт майдончаси тўла таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳамиятлиси шундаки, эндиликда ушбу майдонда мактабгача ёшдаги болаларнинг муносиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳомийлик маблағлари эвазига мўъжазгина аттракцион ўрнатилди.

Шунингдек, ҳашар давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронларнинг 820 нафарига моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди, 189 нафар яккаёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашилди. Бу тадбирларга ҳомийлар, фуқаролар йиғинлари ҳамда Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан жами 97 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бухоро шаҳридаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида 3 нафар, А.Сифатмуний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида 5 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари фуқаролар йиғини ҳамда ҳомийлар кўмагида ўтказилди. Вилоятда 831 минг нафардан ортиқ аҳоли жалб этилган мазкур ҳаракат давомида 1261 гектар майдон ободонлаштирилиб, 1240 километр узунликдаги ариқ-лотоклар тозаланди. 900 дан ортиқ қабристон ва 27 та зиёратгоҳ обод қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ўзаро аҳиллик, бирдамлик, яратиш ва яшнатиш ҳаракатига айланган умумхалқ ҳашари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик, меҳр-мурувват тадбирлари билан уйғунлашиб кетди. Жумладан, **Сирдарё** вилояти Боёвут туманида «Олмазор», «Усмонобод» қишлоқ фуқаролар йиғинлари биносининг ташқи кўринишини жорий таъмирлаш ва ҳудудини ободонлаштириш ишлари учун Фонд маблағлари ҳисобидан 10 млн. сўм сарфланди.

Шу куни **Андижон** вилояти Избоскан туманидаги «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М.Темиров, «Тўрткўл» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Н.Худойбердиевлар оиласи қорамолли бўлдилар.

**Сурхондарё** вилояти Шеробод туманидаги «Қорабоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи О.Йўлдошевга 2 нафар етим набирасининг никоҳ тўйини ўтказиши учун Фонднинг туман бўлинмаси томонидан 450 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

**Тошкент** шаҳри аҳолиси ҳам ҳашарда фаол иштирок этдилар. Ободонлаштириш, тозалов тадбирлари баробарида қурилиш-таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Бектемир тумани «Миришкор» маҳалласи ҳудудидаги болалар майдончаси таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилган бўлса, Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маҳалланинг Назарбек кўчасига 400 метр оқова сув қувурлари ҳашар йўли билан ётқизилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳашар боис юртимиз катта тўйга муносиб, байрамона безанди. Ўз навбатида одамлар кайфиятида ҳам кўтаринкилик, тинч-осойишта ҳаётдан, эл-юрт манфаати йўлидаги фидойи меҳнатдан розилик, шукроналик сезилиб турди. Икки кунлик ҳашар якунланган бўлса-да, мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом этмоқда. Демак, эзгу ишлар салмоғи янада ортади.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

# ЯНГИЛАНАЁТГАН «ЯНГИ ҲАЁТ»



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Эзгу қалблар ободликка, покизаликка интилади. Ўзи яшайдиган уйни, ҳовлисини, маҳалласини, иш жойини доимо тоза ва озода, саранжом-саришта, покиза тутиш халқимизнинг азалий эзгу амалларидан.**

Опа-сингилларимизнинг, айниқса, келинчакларнинг эрта тонгдан кўча ва ҳовлиларга сув сепиши, супуриб — сидиришга одатланганини бежиз эмас, албатта.

Мустақиллик байрами тобора яқинлашгани сайин маҳаллаларда, даҳа ва мавзеларда ободончилик ишлари қизигандан қизиб бормоқда. Отахон ва онахонларимиз дуога қўл очган, кўнгилларда шукроналик ҳукмрон. Ана шундай хайрли ишларни Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида ҳам кўриш мумкин.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида маҳалламизда ҳам катта ҳажмдаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тожихон Йўлчибоева. — Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг август ойини юртимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 24-25 август — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилиниши бу борадаги ишларимизни янада жонлантирди. Икки кун давом этган хайрия ҳашарида биргина бизнинг маҳалламиздан мингга яқин фуқаро кенг кўламли тозалик, ободонлаштириш ва хайр-саховат юмушларига ҳисса қўшди. Энг асосийси, ҳашар кунги кўтаринкилик, уюшқоқлик, байрамона шукуҳ ҳали сўнгани йўқ. Одамларни эзгуликка, озодаликка чорловчи, юртни обод ва кўркам масканга айлантирувчи бундай юмушлар ойлик доирасида изчил давом эттирилмоқда.

Маҳалла марказида катта тўйхона, маиший хизмат шохобчалари, савдо дўконлари қурилиши жадал олиб бориляпти. Уларнинг аксарияти истиқлол шодиёналари арафасида элга хизмат кўрсата бошлайди. Ҳудудда намунавий лойиҳа асосида замонавий уй-жойлар бунёд этилаётир. Бир сўз билан айтганда, кишиларда янгича турмуш тарзи қарор топмоқда.

Маҳаллада хусусий тадбиркор Ҳасан Эргашов ташаббуси билан бетон ғишт чиқариш цехи ишга туширилди. Унинг маҳсулотларидан намунавий лойиҳа асосида уйлар қурилишида фойдаланилмоқда. Хусусий тадбиркор А. Содиқов саъй-ҳаракатлари билан туз ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех очилди. Натижада ўнга яқин коллеж битирувчилари иш билан таъминланди. Шунингдек, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари сони ҳам ортмоқда.

Айни кунларда маҳаллаларда мустақиллик шукуҳи ҳукмрон. Кишилар қалбида эртанги кунга умид ва ишонч мужассам. Бу олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, эзгуликнинг мукофоти файз-баракадан иборатлигини «Янги ҳаёт»ликлар теран англайдилар.

**Ашурали БОЙМУРОД.**

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# МУРОСАНИНГ ЙЎЛИ КЎП, САВОБИ КАТТА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Бир хонадонда қайнона билан келин ҳеч муроса қилолмас экан. Жанжаллардан безор бўлган келин табибнинг ёнига бориб, қайнонасининг кўнглини юмшатадиган дори беришини сўрабди.**

Табиб унга малҳамни бериб: «Қайнонанг бу малҳамни ичгандан сўнг, унга фақат яхши муносабатда бўл, ширин сўзингни аяма. Сенга қаттиқ гапирса ҳам кўнглингга олмай, «хўп бўлади» дегин. Шунда дори қайнонангга таъсир қилади», деб айтибди. Келин уйига бориб, малҳамни қайнонасининг чойига қўшиб берибди ва шу кундан бошлаб илиқ сўзлар гапиришни канда қилмабди.

Орадан икки ой ўтмай келин табибнинг ёнига яна келибди. Берган малҳами таъсир қилиб, қайнонаси билан она-боладек бўлиб кетганини айтибди. Шунда табиб: «Мен сенга ҳеч қандай дори бермадим. Икки киши тортишиб қолганда, бир тараф сукут сақласа, баҳс шу заҳоти якун топади», дебди.

Дарҳақиқат, оила кенгайган сайин ташвишлар ҳам ортиб боради. Ана шундай вазиятларда сабрли бўлган инсонгина қийинчиликларни осон енгади. Оилада эр-хотин ёки қайнона-келин ўртасида келишмовчилик юзага келганда бир тарафнинг сукут сақлаши муаммони бартараф этади. Жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган Яраштириш комиссияси аъзолари ҳам ҳикоядаги табиб сингари оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитасининг «Оилавий ажримларнинг олдини олиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш» бўйича ишлаб чиқилган дастурига асосан тумандаги «Сархумдон» маҳалласи ҳузуридаги Яраштириш комиссияси таркиби қайта кўриб чиқилди. Комиссияга малакали ҳуқуқшунос, педагог, психолог, имом-хатиблар жалб қилинди. Ушбу фаоллар оилаларда келиб чиқаётган низоларни муроса йўли билан ижобий ҳал этишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур маҳалла ҳузуридаги Яраштириш комиссиясига 6 оиладан мурожаат хати келган. Шулардан 2 нафари ажрим ҳолатидан сақлаб қолинди, биттасига муҳлат берилган, 3 та оиланинг ажрашиши учун судга ариза тақдим этилган.

Яқинда йиғиндаги оилалар ажримларини бутунлай бартараф этиш, бу борадаги муаммоларга ечим топиш ва келгусидаги иш режаларини белгилаш мақсадида Яраштириш комиссияси томонидан тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ҳамда Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосарлари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла қизлари, ёш келинлар ва уларнинг қайноналари ҳамда йиғин фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатида ажралиш учун судга ариза топширган 3 нафар оиланинг масаласи муҳокама қилинди. Жамиятимизнинг таянчи ҳисобланмиш оилаларнинг дарз кетишига сабаб бўлаётган омиллар атрофлича ўрганилди.

— «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ибора бежизга айтилмаган, — дейди тадбирда сўзга чиққан Яраштириш комиссиясининг аъзоси Муҳаббат Акмалова. — Шундай экан, ён-атрофимиздаги воқеаларга бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Ҳудудимизда 9 мингга яқин аҳоли, салкам 2 мингта оила истиқомат қилади. Доимий равишда хонадонларга ташриф буюриб, вазиятни назорат қилиб борамиз. Кузатишларимиз натижасида шундай хулосага келдикки, ажралишнинг асосий омили — етишмовчилик эмас. Аксинча, дабдабабозликнинг ортиши, вояга етмаган ёшларнинг никоҳланиши, ҳаётга енгил-елпи қараш ҳамда фарзандига оила масъулиятини тушунтирмаётган айрим ота-оналар оила аталмиш қўрғоннинг қулашига сабаб бўлаётир. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун ота-оналар оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириши лозим.

Албатта, оила бежизга жамиятнинг бош бўғини, дейилмайди. Мустаҳкам оилагина жамиятга таянч бўлади.

— Ажралиш арафасида турган оилани муросага келтиришнинг савоби ниҳоятда катта, — дейди маҳалла имом-хатиби Одилхон Исмоилов. — Иморатни бузиш осон, бунга бир кишининг ҳам кучи етади. Бироқ уни қуриш учун неча минг киши заҳмат чекади. Оила ҳам гўё иморат кабидир. Ота-боболаримиз, момоларимиз оиласининг хотиржамлиги, болаларининг келажагини ўйлаб, сув келса симиришган, тош келса кемиришган. Улар асраб-авайлаб келган қадриятни, қўрғонни бузишга ҳаққимиз йўқ.

Тадбир сўнггида иштирокчилар тўй-маъракадаги дабдабабозликларни йўқотиш, чақалоқни туғуруқхонадан карнай-сурнайсиз олиб чиқиш, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини битирмаган ёшларнинг турмуш қуришига йўл қўймаслик лозимлигига эътибор қаратишди.

Ҳа, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш жамоатчилик вакилларининг асосий бурчларидан саналади. «Сархумдон» маҳалласидаги Яраштириш комиссияси аъзолари ана шундай масъулиятли вазифани шараф билан уддалашаётир.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА.


## ТАШКИЛОТЛАР, КОМПАНИЯЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бошқаруви «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун мебель жиҳозлари харид қилиш» учун очиқ тендер савдолари такрорий ўтказилишини эълон қилади



Тендер савдолари очиқ турда бўлиб, корхона ва ташкилотлар учун мебель жиҳозлари етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

1. Харид қилинадиган мебель жиҳозларининг умумий нархи — 217,100 млн.сўм;

2. Тендер комиссиясининг ишчи органи:

Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Почта ва манзил: 190104, Термиз ш, А.Темур к, 69-уй.

Тел./факс: (8-376) 222-44-57; 222-44-73; 222-44-76.

3. Тўлов шартлари: бўнак 15%, мебель жиҳозлари харидорнинг омборига етказиб тўлиқ ўрнатиб берилгач — 80%, назорат текширувидан сўнг — 5 %.

4. Етказиб бериладиган мебель жиҳозлари турлари, миқдори, буюртмачининг бошланғич нархи, етказиб бериш шартлари ва бошқа талаблар ҳамда маълумотлар тендер ҳужжатлари ва тендерга қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

5. Етказиб бериш муддатлари — 45 кун.

6. Тендер бошланишидан олдин тендер комиссияси томонидан талабгорларни малакавий саралаш жараёни ўтказилади.

7. Тендер ҳужжатларини харид қилиш қиймати тендерга қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

8. Закалат пули (тендер таклифи кафолати) миқдори тендер ҳужжатлари ва тендерга қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

9. Закалат пулини тўлаш тартиби, тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тўловни амалга ошириш бўйича банк реквизитлари тендер ҳужжатлари ва тендерга қатнашиш учун таклифномада келтирилган.

10. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 26 сентябрь соат 18-00 гача.

11. Тендер савдоларини ўтказиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига мурожаат қилиш мумкин.





## Сув тошқини

**Покистонда ёмғирлар мавсуми туфайли юз берган сув тошқини натижасида 1,7 миллион киши жабрланган.**



Айни пайтда 178 нафар киши ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлар рўйхатига киритилган. Асосан, Панжоб, Синд ва Хайбер-Пахтунхва вилоятлари ҳудудидаги сув тошқинидан олти мингта қишлоқ жабрланган. Сув оқимлари 20 мингдан зиёд уйни вайрон қилган.

Сув тошқини оқибатида уй-жойидан ажралган аҳоли учун 350 та палаткали шаҳарча фаолият кўрсатмоқда.

## Дельфинлар учун мақом

**Ҳиндистонда дельфинларга «шахс, бироқ инсон эмас» деган мақом берилди.**



Ушбу қарор атроф-муҳит ва ўрмонлар вазири томонидан эълон қилинди. Маълумки, дельфинлар ақли юқори даражада ривожланган сут эмизувчилардан ҳисобланади. Тадқиқотлар дельфинлар бир-бирини исми билан чақиришини ва бетакрор ҳуштакларни, яъни улар 20 йил олдин фақат бир марта эшитган эски «дўстлари»нинг номларини эслаб қолишини кўрсатди.

Шу тариқа Ҳиндистон дунёдаги китсимонларнинг ажойиб ақл ва онгга эгалигини тан олган биринчи мамлакатга айланди.

## Сувараклар қочиб кетди

**Хитойнинг Дафэн шаҳридаги фермадан халқ табобатида қўллаш учун етиштирилаётган бир миллиондан ортиқ суварак қочган.**

Бунга жиноятчиларнинг ҳашаротлар етиштирилаётган пластик иссиқхонани синдиргани сабаб бўлган. Сувараклар бутун дунёда зараркунанда деб ҳисобланади. Бироқ Хитой табобатида сувараклар ёрдамида турли яллиғланишлар, саратон касалликлари даволанади ҳамда иммунитет мустаҳкамланади.

Ҳашаротлар мунтазам равишда мевалар ва пирожнийлар билан парваришланган. Иссиқхона шикастланган пайтда сувараклар тухумдан чиқишга улгурган. Оқибатда катта даромадни кўзлаган ферма хўжайини юз минглаб доллар маблағини йўқотган.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудни сувараклардан тозалаш учун бу ерга бир нечта мутахассисни юборди.

Интернет маълумотлари асосида Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

# Ёш атлетларимиз муваффақияти



*Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида бир олтин, икки кумуш, беш бронза жами саккиз медаль жамғарган Ўзбекистон спорт делегацияси мамлакатимизга қайтиб келди.*

Мазкур нуфузли мусобақада 45 давлатдан 17 ёшгача бўлган 2,6 мингдан зиёд ўсмирлар ва қизлар спортнинг ўн олти тури бўйича 122 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашди.

Мусобақаларда 64 нафар спортчимиз теннис, стол тенниси, қиличбозлик, енгил атлетика, сузиш, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, таэквондо ва баскетбол бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Осиё ўйинларида ўзбек дзюдо мактабининг юксак салоҳиятга эгалигини намойиш этган спортчиларимиздан У.Отамуродов ва М.Мирзаёров кумуш, Д.Келдиёрова ва Т.Нурметова бронза медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, ўқ отиш баҳсларида муваффақиятли қатнашган Р.Гирфанов, таэквондо беллашувларида маҳорат кўрсатган Ғ.Хурилбоев ва Д.Мамадиброҳимова ҳам мамлакатимиз спорт делегацияси ҳисобига биттадан бронза медаль қўшди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ФАРОВОН ТУРМУШ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

**Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланаётгани кўпгина иш ўринлари яратилишига замин ҳозирламоқда. Бу борада банкларнинг молиявий кўмаги асқотаётир. Фермерлик ҳаракатининг равнақ топиши, янги корхоналарнинг ишга туширилиши аҳоли дастурхонининг тўкинлигини таъминлаяпти.**

Бундай юксалишларда «Агробанк»нинг Наманган вилояти бошқармаси ва филиалларининг ҳам муносиб хизмати бор.

Хусусан, банкнинг шаҳар ҳамда туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилнинг август ойига қадар жами 27 млрд. 561,5 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 1703 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, ҳозирда дунё ҳамжамиятини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган танқислик ташвишга солмоқда. Бу борада мамлакатимизда ҳам бир талай ишлар амалга оширилиб, боғ ва экин майдонларини кенгайтириш, ердан унумли фойда олишни йўлга қўйиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 28 январдаги «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 6 млрд. 151 млн. сўмлик, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 4 млрд. 259 млн. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Банкнинг Наманган филиали мижози Мамажон Усмонов раҳбарлик қилаётган «Лола» масъулияти чекланган жамиятига 20 млн. сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кредит ажратилди. Натижада 3 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, банк томонидан ҳудудда аграр тизимни ривожлантиришга, деҳқон ва фермер хўжаликларининг чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик соҳасидаги истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилнинг ўтган етти ойи мобайнида чорвачиликка 861 млн. сўмлик, паррандачиликка 240 млн. сўмлик, балиқчиликка 205 млн. сўмлик ва асаларичиликка 62 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани натижасида вилоятда кўплаб иш ўринлари яратилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи ошди.

«Асадбек Абдусаматович» фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Алишеров банкнинг Тўрақўрғон филиалидан олган 200 млн. сўмлик кредити эвазига чорвачиликни йўлга қўйди. Натижада 8 та иш ўрни яратилди.

Вилоятда саноат корхоналари кўп. Уларнинг бир маромда фаолият кўрсатиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти ўсишига, балки ҳудудда кўплаб ишончли иш ўринлари яратилишига, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига замин ҳозирлайди. Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида банк бошқармаси ва филиаллари корхоналарни доимий қўллаб-қувватламоқда.

Хусусан, Юртбошимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида 21 млрд. 914 млн. сўмлик кредитлар ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Натижада ҳудудда бир қанча корхоналар ишга туширилиб, 1400 та янги иш ўрни ташкил этилди.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Хақулобод авто шох бекат» хусусий фирмасига аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш учун қурилиш материаллари сотиб олиш мақсадида банкнинг Норин филиали томонидан 220 млн. сўмлик кредит маблағи берилди. Натижада 12 та иш ўрни яратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ўтган даврида 551,8 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 121 та ишчи ўрни ташкил этилди.

Банк жамоаси оилавий бизнес, касаначилик, чорвачилик ва тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганларга молиявий кўмак беришни изчил давом эттирмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»


Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

19135 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7806 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00